

Президентимиз ташрифни Мадинаи Мунаввара зиёратидан бошладилар



16:43 / 17.08.2022 2034

Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан ушбу мамлакатга борган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташрифни Мадинаи Мунаввара зиёратидан бошлади. Юртбошимиз Мадина шаҳрида тантанали равишда кутиб олинди.

Зиёрат давомида давлатимиз раҳбарига Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла ҳазратлари ва ҳукумат вакиллари ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Режага кўра, Президентимиз бу ерда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Равзаи Муборакларини зиёрат қилади.